

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 31 январь, пайшанба

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 21 (11.082)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон Халқ демократик партияси** Марказий Кенгаши томонидан ўтказилган «Ёшлар — халқимиз, Ватанимиз келажаги, бугунги ва эртанги кунининг ҳал қилувчи кучи» мавзусидаги давра суҳбатида ёшлар манфаати хусусида сўз борди.

● Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида биноан «Ипотека» банки Навоий вилояти филиалида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, ёш оилаларга 2 миллиард 217 миллион сўмлик имтиёзли кредит берилди, банк ўз маблаг ҳисобидан тайёр уй-жойларни сотиб олиш учун 1 миллиард 109 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратди.

● Қорақалпоғистон Республикаси «Маҳалла» жамғармаси томонидан Амударё туманида уюштирилган семинар-кенгашда «Маҳалла» жамғармаси бўлими иш тажрибасини ўрганиш, фаолият юритишини яхшилаш, уларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш масаласи муҳокама этилди. Семинар давомида иштирокчилар Амударё туманидаги «Тўлқин» ва «Ўрта қалъа» кишлоқ фуқаролар йиғинлари иш фаолияти билан танишишди.

● Хашар йўли билан Асака шахрида болалар спорт мажмуаси бунёд этилди. Унинг қурилишида «Маҳалла» жамғармаси шахар бўлими, тадбиркорлар, хунармандлар, ҳокимият идоралари фаоллик кўрсатди. Эндиликда бу ерда 400 нафарга яқин болалар футбол, волейбол, баскетбол, кўл тўпи, энгил атлетика билан шуғулланади.

● «Қамолот» ЁИХ Тошкент вилояти Кенгашида «Миллий гоа ташлими ва тарбиётнинг янги технологиялари» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

● «Ҳисор қурилиш ва таъмирлаш» хусусий корхонаси бунёдкорлари Яққабов туманидаги Чўянли кишлоғи ахлига ўзига хос Наврўз совғасини тайёрламоқдалар. Бу ерда байрам кунлари 96 ўринли мактаб ўз эшикларини очди.

● Самарқанддаги 6-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юртига саёвхат уюштиришди.

● Наманганда жорий йилнинг февраль ойи «Қамолот» ойлиги деб эълон қилинди. Мазкур тадбир орқали ёшлар тарбияси йўлидаги маънавий-маърифий, спорт ва маданият борасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш кўзда тутилган.

● Қорасув шахрида хунарманд ва тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида «Микрокредитбанк»нинг шохобчаси очилди. Шу тариқа мазкур банкнинг Андижон вилоятидаги шохобчалари сони 19 тага етди.

ЖАҲОНДА

● БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзолари Габо секторидagi вазият бўйича тайёрланган резолюция лойиҳасини қабул қилишда яқдилликка эриша олмади. Гап шундаки, резолюция овозга қўйилишига бир неча дақиқа қолганда Ливия лойиҳага ўз ўзгартиришларини киритишини маълум қилган.

● Грузия бирлашган муҳолифати ҳукуматга ультиматум эълон қилганлиги тўғрисида РИА Новости ахборот агентлиги хабар қилади. Мамлакатнинг ўн та сиёсий партияси қабул қилган меморандумга Грузиянинг уч нафар собиқ президентликка номзоди ҳам имзо чеккан ва у қўриб чиқиш учун парламентга киритилди. Муҳолифатчилар 5 январда бўлиб ўтган сайловда овозларни халқаро кузатувчилар иштирокида қайтадан санаб чиқиш ва Конституцияга ўзгартириш киритишини талаб қилишмоқда.

● Болгария Президенти Георгий Пирванов учаётган самолёт ерга қўнишга мажбур бўлди. Гап шундаки, Мехикога учаётган самолёт Атлантика океанидаги Португалияга қарашли Азор оролида ёнилга қўйиб қайта ҳавога кўтарилган чоғида дастлабки маълумотларга қараганда самолёт двигателларидан бирига қандайдир қуш киргани учун у ишламай қолган.

● Кеча Москвада халқаро иқтисодий форум ўз ишини бошлади.

● АҚШ президентлигида демократик партиядан номзод Жон Эдвардс ҳамда республикачилар вакили Рудольф Жулиано ўз номзодларини қайтариб олишларини расман билдиришди.

● Кеча Санкт-Петербургда губернатор Валентина Матвиенкога суиқасд уюштирган уч нафар жиноятчи устидан суд жараёни бошланди. Улар ўн икки йилдан ўн беш йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилиниши мумкин.

● Тинч океани жануби-ғарбидаги Фижи оролларида «Жини» тропик довули хуруж қилди. Маҳаллий қутқарув хизматининг берган маълумотига қўра табиий офат туфайли олти киши ҳалок бўлган, 450 мингдан зиёд киши сув ва электр энергиясиз қолган. Ҳукумат мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилди.

● Парижда Франциянинг собиқ президенти Франсуа Миттеранга тегишли шахсий буюмларнинг ким ошди савдоси бўлиб ўтди. Ундан тушган маблағ махсус хайрия жамғармасига ажратилиши таъкидланмоқда.

● АҚШдаги ипотека таназзули сабабларини аниқлаш билан Федерал тадқиқотлар бюроси шуғуллана бошлади. Айтиш керакки, ушбу таназзулда йирик молиячиларнинг қўли борлиги тахмин қилинмоқда.

БУГУНГИ КУНДА ТАДБИРКОРЛАРИМИЗНИНГ ИЗЛАНИШЛАРИ ҲАР БИР СОҲАДА ЁРҚИН НАМОЁН БЎЛМОҚДАКИ, БУ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАЙЁРЛАНАЁТГАН СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ, ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ИЧКИ БОЗОРНИ ТАЪМИНЛАШДА, ШУНИНГ БАРОБАРИДА ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИ ОШИРИШДА ЯҚҚОЛ КЎРИНМОҚДА.



Кўшма корхоналарда МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ ЯНГИЛАНМОҚДА

Илк фаолият даврида 10-15 хил табиий шартларга тайёрланган, Хитойдан келтирилган идишларга қадокланган корхонада бозорни ўрганиш асосида ва замон талабларига жавоб берган ҳолда «Тетрапак» линияси қувватидан унумли фойдаланиб чиқарилаётган шартлар жaxon андозалари талабларига тўла жавоб беради. Маҳсулот турлари хусусида тўхтаб қолган бўлса, улар 70 хилдан ортиқчи ташкил этади. Улар орасида турли мевалардан тайёрланган жем, мураббо, томат ва шартлар ўзига хослиги, чиройли ва бежирим қадоклиниши билан харидорларни жалб этади. Энг муҳими эса уларни тайёрлашда фойдаланиладиган хом ашё сифати ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун шартнома асосида келтирилган барча хом ашё сифати махсус лабораторияда катъий текширилади ва бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатида ҳам яққол намоён бўлади.

— Бизнинг асосий мақсадимиз аввало, ички бозорни импорт ўрнини босувчи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўлиб, шунинг баробарида республикамиз

иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўиш ниятида экспорт ҳажмини ҳам оширишни кўзда тутганми, — дейди кўшма корхона директори ўринбосари Аскар Исмаилов. — Ҳар йили мамлакатимизда ўтказиладиган кўрик-танлов ва халқаро кўргазмалардаги фаол иштирокимиз фойдали шартномалар тузишда, харидорлар топишда, маҳсулотларимиз турларини кўлайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Утган йилда олма, нок, ўрик, узум, сабази, анор сингари шартларимиз қаторига икки турдаги янги аралаш шартларимиз қўшилди. Ҳозирда уларни шартнома асосида савдо шохобчаларига етказиб бераёلمиз. Шунингдек, янги маҳсулот турларини яратиш учун икки ва ташқи бозорни, харидор талабини чуқур ўрганишга эътибор қаратганми.

Шарофат БАХРОМОВА
СУРАТЛАРДА: корхона цехларидаги унумли дастаҳлар малакали кадрларга қўл келмоқда.



Илгарилари жаннатмакон юртимизда етиштирилган мева-сабзавотлар четга арзон нархларда чиқарилиб, улардан тайёрланган маҳсулотлар бир неча баробар қимматига келтирилган бўлса, ҳозирда мустақиллик шарофати билан тадбиркорларга яратилган кенг имкониятлар боис ана шундай импорт ўрнини босувчи товарлар ўзимизда тайёрланмоқда ва харидор талаб ҳамда эҳтиёжини қондирмоқда. Шунингдек, четдан келтирилган худди шундай маҳсулотлар билан бемалол рақобатлаша оладиган ушбу товарларимиз бир мунча арзонлиги билан ҳам ажралиб туради.

Пойтахтимиздаги «GREEN WORLD» кўшма корхонаси ана шундай жамоалардан бири саналиб, унинг цехлари юксак унумли хорижий технология линиялар билан жиҳозланганлиги сифатли маҳсулот тайёрлаш ва уни қадоклашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Энг асосийси эса маҳсулотлар республикамизда етиштирилган сархил мевалар ва сабзавотларни қайта ишлаш асосида тайёрланади.

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ БОРАСИДАГИ ТАЖРИБАСИ КАТТА ЭЪТИБОРГА САЗОВОР»

КУАЛА-ЛУМПУР ШАҲРИДА ИСЛОМ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ТАШКИЛОТИ (ИКТ) ЭКСПЕРТЛАР ГРУҲИНИНГ «ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ИШТИРОКИ» МАВЗУСИГА БАҒИШЛАНГАН УЧРАШУВИ НИҲОСИГА ЕТДИ. УНДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ, ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ РАИСИ СВЕТЛАНА ИНОМОВА БОШЧИЛИГИДАГИ МАМЛАКАТИМИЗ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҲАМ ИШТИРОК ЕТДИ.

Учрашув доирасида «Қарорлар қабул қилишда хотин-қизлар иштироки бўйича умумий шарҳ» ҳамда «Хотин-қизлар ҳамда сиёсатда, илмий доиралар, давлат ва корпоратив жабҳада раҳбарлик» мавзусидаги сессиялар бўлиб ўтди.

Форумнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Малайзия хотин-қизлар, оила ва жамоат тараққиёти ишлари вазири Шахризот Жалил жамиятда хотин-қизлар ролини ошириш, уларни давлат ишларига фаол жалб этиш борасидаги Ўзбекистон ҳукумати фаолиятига алоҳида эътибор қаратди.

ИКТ экспертлари учрашув доирасида аёлларнинг мамлакат сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тугган ўрнига бағишланган «Ўзбекистонда хотин-қизлар» мавзусидаги тақдироти ўтказилди. Тадбир иштирокчиларига Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолияти хусусида батафсил маълумот берилди.

Тақдиротда намойиш этилган турли материаллар тадбир иштирокчиларига, шу жумладан, Малайзиядаги хорижий дипломатия ваколатхоналари раҳбарларида катта қизиқиш уйғотди. Улар, айниқса, ИКТ бош котиби махсус вакилининг эътиборини ўзига жалб этди. Махсус вакил мазкур йўналишда Ўзбекистон тажрибасини янада чуқурроқ ўрганиш ҳамда уни Ислам конференцияси ташкилотига аъзо мамлакатларда жорий этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлиги борасидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

ИКТ вакили юртимизда хотин-қизларнинг «Тумарис» спорт уйинлари ўтказиб келинаётгани тўғрисидаги ахборотни тинглагани ҳолда Ўзбекистонда шундай уйинларни ёки ташкилот шаклидаги ва Марказий Осиё мамлакатлари иштирокида минтақавий спорт тадбирларини ўтказиш юзасидан таклифини илгари сурди.

Юртимиздаги маҳаллаларда маънавий-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчи институтининг жорий этилгани ва бу ўз навбатида жойлардаги жамоатчилик ва маъмурият ўртасида беголчи бўгин сифатида хизмат қилиб келаётгани ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Малайзияга ташриф доирасида С.Иномова мамлакат Бош вазири ўринбосари Нажиб Раззок билан ҳам учрашди. Музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Малайзия муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва истиқболларига оид масалалар муҳокама қилинди. Малайзия томонида мамлакатимизнинг бугунги ҳаёти, хусусан, 2007 йил 23 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунари ҳақида атофлича маълумот берилди. Шунингдек, Ўзбекистон ва Малайзияда хотин-қизларнинг тугган ўрни, жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жараёнида уларнинг иштироки даражаси юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Суҳбат чоғида иқтисодий масалаларни ҳал этиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятида иштирок этишга аёлларни жалб этиш жараёнини кенгайтириш юзасидан томонларнинг қарашлари муштарак эканлиги маълум бўлди. 2008 йилнинг Ўзбекистонда «Ёшлар йили» деб эълон қилингани зўр мамнуният билан қаршилди.

Малайзиянинг хотин-қизлар, оила ва жамоат тараққиёти ишлари вазири Ш.Жалил билан бўлиб ўтган музокараларда, ушбу идора ва Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, шунингдек, икки мамлакат ёшлар ишлари бўйича тузилмалари ўртасидаги алоқаларнинг ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди.

Ўзбекистон делегациясининг Малайзияга ташрифи маҳаллий оммавий ахборот воситаларида кенг еритилди. «Бернама» миллий ахборот агентлигининг бўлиб ўтган учрашув ва музокараларга оид катор хабарларида ҳар иккала мамлакат ҳам ўзаро муносабатларни ривожлантириш ва кенгайтиришдан манфаатдор экани қайд этилди. Нуфузли «New Straits Times» газетаси эса С.Иномова билан бўлган интервьюни чоп этди. Унда юртимиз аёлларининг қўққирли фаолияти, уларнинг Ўзбекистон жамияти ҳаётидаги ва мамлакатда фуқаролик жамиятини барпо этишдаги фаол иштироки тўғрисида ҳикоя қилинади.

«Жаҳон» АА
Куала-Лумпур

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

Кечка сатрларда

● **ШАХРИМИЗДАГИ** 441-мактабга таълим муассасасида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ташаббуси билан **КЕЧА** зилзила вақтида мураккаб аҳволда қолган аҳолига ёрдам кўрсатиш чораларига бағишлаб ўтказилган машғулотда тарбияланувчилар фаол иштирок этишди.

● **«ШАРК»** наشريёт-матбаа акциядорлик компаниясида ўтказилган йиғилишда ўтган йилда ноширлик соҳасида амалга оширилган ишлар ҳамда келгуси режалар муҳокама қилинди.

● **ЯПОНИЯ** ҳукуматининг «Ижтимоий лойиҳалар учун» дастури доирасида Тошкент шаҳар 1-клиник шифохонаси замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланадиган бўлди.

● **КЕЧА** Собир Раҳимов туманидаги 28-мактабда фавқулодда вазиятлар содир бўлганда қийин аҳволда қолганларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича ўқувчилар иштирокида ўтказилган машғулот Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан уюштирилди.

● **«КЕЛАЖАК** овози» Ёшлар ташаббуслари маркази ташаббуси билан уюштирилган семинар босма электрон оммавий ахборот воситалари ходимлари малакасини оширишнинг аҳамиятига бағишланди.

● **ТАСВИРИЙ** санъат галереясида санъат ихлосмандлари эътиборига Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорликларида Самарқанд Давлат музей-қўриқонасидаги асарлар кўргазмаси ҳавола этилди.

● **ТУРКИЯДА** юнон-рум кураши бўйича ўтказилган халқаро турнирда иштирок этиб, кучли учликдан ўрин эгаллаган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Тошкентга қайтиб келишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ФИЛИППИННИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУҲТОР ЭЛЧИСИ (ҚАРОРГОҲИ ТЕҲРОН ШАҲРИДА) АЛАДИН ВИЛЛАКОРТЕ ТАНИШУВИ САФАРИ БИЛАН ЮРТИМИЗДА БЎЛДИ. У ЎЗ ТАШРИФИ ДАВОМИДА ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ, ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ, ШУНИНГДЕК, МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БОШҚА ҚАТОР ВАЗИРЛИК ҲАМДА ИДОРАЛАРИДА УЧРАШУВ ВА МУЗОКАРАЛАР ЎТКАЗДИ.

АЛАДИН ВИЛЛАКОРТЕ:

«ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ТАЙЁРМИЗ»

А.Виллакорте сафар интиҳосида «Жаҳон» ахборот агентлигида берган интервьюсида Ўзбекистон ва Филиппин муносабатларини янада фойдалантириш йўналишларини белгилаш унинг Тошкентга ташрифида кўзланган асосий мақсад эканини қайд этди.

Филиппин элчисининг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси ТИВда ўтган учрашув чоғида икки мамлакат ташқи ишлар вазириликларини ўртасида сиёсий маслаҳатлашувларни ўтказиш борасида келишувга эришилгани сиёсий мулоқотнинг муҳим омили бўлиб қолади.

— Савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун ҳали ишга солинмаган имкониятлар мавжудлиги шубҳасиз ва 2006 йилда ўзаро товар айланмаси ҳажми салкам 1 миллион АҚШ долларини ташкил этгани икки давлат иқтисодий салоҳияти даражасига асло мос эмас, — дейди А.Виллакорте. Филиппин элчисининг фикр билдиришича, мамлакатларимиз ишбилармон доиралари вакилларининг ўзаро ташрифлари иқтисодий алоқаларни ривожлантириш йўлида муҳим қадам бўлиши мумкин.

Ўзбекистоннинг ҳолда сайёҳликни ривожлантириш борасидаги улкан имкониятлар ҳам ўрганиб чиқилмоқда.

А.Виллакортенинг таъкидлашича, Кураш халқаро ассоциациясида (КХА) ўтказилган учрашув ҳам унда унутилмас таассурот қолдирган. «Жуда қисқа тарихий давр мобайнида жaxonнинг турли мамлакатларида юздан ортиқ ўзбек миллий кураши федерацияларининг очилиши мени айниқса ҳайратга солди. Мен кураш Филиппин спорт жамоатчилигида ҳам маълум даражада қизиқиш уйғотишини тасаввур этаёман».

Ўзбекистонга ўзининг илк ташрифи таассуротлари билан ўртоқлашар экан, филиппинлик меҳмон маъмур сафар унинг хотирасида узоқ вақт муҳрланиб қолишини мамнуният билан қайд этди. «Қўллаб-қувватлаш билан қад ростилаётган Тошкент шаҳри менга жуда ҳам ёқди. Пойтахтнинг замонавий қиёфаси Ислам бинокорлигига хос гўзал мейморий ёдгорликлар билан уйғунлашиб кетган. Ўзбек халқининг самимий ва меҳмондўстлиги, мамлакатнинг қатор расмий идораларидаги дўстона қабуллар менда унутилмас таассурот қолдирди.

«Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Филиппин ҳукуматининг Ўзбекистон билан барча соҳаларда икки томонлама ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлашни истар эдим», — деди А.Виллакорте суҳбат якунида.

Жамшид МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА

ШАҲАР ХЎЖАЛИГИ: ИСТИКБОЛ ВА РЕЖАЛАР

ЎТГАН ЙИЛ БОШИДА БЎЛИБ ЎТГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИҚТИСОДИЙТИМИЗНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КЎЗДА ТУТИЛГАН УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР ҲАҚИДА ГАПИРИБ «БИЗНИНГ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРИМИЗНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИГАН ЕТТИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИК СОҲАСИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧЎҚУРЛАШТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ» ДЕБ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАГАН ЭДИ. БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ БОРАСИДА ПОЙТАХТИМИЗДА ҲАМ ИБРАТЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ КОММУНАЛ ФОЙДАЛАНИШ БИРЛАШМАСИ ТАСАРРУФИДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРДА ЎТГАН ЙИЛДА БАЖАРИЛГАН ИШЛАР ХУСУСИДА БИРЛАШМА БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ РАУФ ҚУРБОНОВ ҚУЙИДАГИЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ:

Ислохотлар оқимида

КОММУНАЛ ХИЗМАТ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШГА ЭЪТИБОР

— Албатта, ҳар бир ишни бажаришдан аввал режа тайёрланади. Ана шу режа асосида доимий назоратда амалга оширилган вазифаларнинг самараси аққол намоён бўлади. Бирлашмаси таъсирчан кирувчи корхона ва ташкилотлар аҳоли ва бошқа коммунал хизмат турларидан фойдаланувчиларга 2007 йилда белгиланган ишлаб чиқариш дастури вазифаларидан келиб чиққан ҳолда хизмат кўрсатишга ҳаракат қилишди. Бажаришган ишлар ва кўрсатилган коммунал ҳамда турар жой хизматларининг умумий ҳажми 200 миллиард сўмини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 июлдаги 425-сонли Қарорини бажариш мақсадида 1991 йилгача қурилган уйларнинг умумий фойдаланиш майдонини ва муҳандислик коммуналхизматлари мукамал таъмирлаш йиллик режасига кўра ўтган йилда 424 та кўп қаватли уйларда мукамал таъмирлаш ишлари олиб бориш учун 5115,9 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Шу жумладан, 297 та уй бюджет ҳисобидан, 127 таси эса бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан таъмирланди. Шунингдек, 259 та уйнинг 282,9 минг квадрат метрдан иборат томи ҳам мукамал таъмирдан чиқарилди.

Уй-жой фонднинг техник ҳолатини яхшилаш ва жорий таъмирлаш бўйича белгиланган чора-тадбирлар режасига кўра кўп қаватли уйларнинг 1006,3 минг квадрат метр томи жорий таъмирланди, 747 та фасад, 1645 та йўлак таъмирланди, 3965 та металл эшиклар ўрнатилди, 4765 та ташқи ёриткичлар тикланди, 521 та болалар майдончалари қурилиб, таъмирдан чиқарилди. Шунинг баробарида ертўла тозаланишига эътибор кўчади, иригица шохобчалари, лифт кабиналари таъмирланди, гаражлар тартибга келтирилди, бўялди, уйлар атрофида кўкчаларнинг таъмирлаш ишлари олиб борилиб, дароҳ ва гул кўчатлари, буталар экилди. Буларнинг барчаси, албатта кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолига намунали коммунал хизмат, қулай яшаш шароити яратишни мақсад қилган ҳолда амалга оширилмоқда.

Яна шуни алоҳида айтиб ўтиш лозимки, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 9 июндаги «Тошкент шаҳар аҳолисининг уй-жой шароитини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва унга асосан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қарорига кўра ўтган йилнинг 3-чорагида 851 та уйнинг иссиқлик, иссиқ сув ва ичимлик сувларининг муҳандислик коммуналхизматлари алмаштирилди. Шунингдек, ушбу қарорга биноан, 44 та лифтни алмаштириш, 120 та ётоқхонани мукамал таъмирлаш, 225 та чиқинди йиғиш майдончаларини қуриш режалаштирилган бўлиб, ҳозирда улар асосан бажарилибди. Ва охириги юмушлар олиб борилмади.

Кузги-қишки мавсумга тайёргарлик борасида тўхтаб қолган бўлса, 40 километр иссиқлик тармоқлари, 52,9 километр газ, 11,2 километр сув тармоқлари ал-

маштирилиб, марказий иссиқлик тармоқларидан олиб-да жойлашган кўп қаватли уйларга иссиқлик беришни яхшилаш мақсадида 32 та локал қозонхоналар ўрнатилди.

Аҳолига яратилган қулайликлардан яна бири бирлашмасида марказий диспетчерлик хизмати— «055»-нинг ташкил этилганлиги бўлиб, у кечаю кундуз истеъмолчилар хизматида. Унинг асосий мақсади коммунал хизмат кўрсатиш корхоналаридаги авария ҳолатларини зудлик билан бартараф этишга қаратилган бўлиб, аҳолидан тушаётган ҳар бир муурожаат тезкорлик билан туманлардаги коммунал таъмирлаш, авария-тиклаш хизматларига етказилади ва қатъий назоратга олиниб, махсус журналда кайд этиб борилади. Ўтган йил давомида 11981 та буюртма қабул қилинди. 11696 таси ижро этилган ва қолган 85 таси бажарилмади.

Ҳамшаҳарларимизни тоза ичимлик суви билан таъминлаш янада яхшилаш мақсадида ўтган йилда «Сув-соз» трести давлат унитар корхонасида «Тошкент шаҳрида сув таъминотини тақомиллаштириш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ишлари давом этаётганини таъкидлаган ҳолда унинг умумий қиймати 14,67 миллион АҚШ долларини ташкил этишини, шундан 10,6 миллион доллар Европа Тараққиёт ва тикланиш банки кредити эканини айтиш лозим. Лойиҳани амалга ошириш учун келтирилган жиҳозларни ўрнатиш ишлари олиб борилмади. Режадаги насослар ўрнатилгандан сўнг Қибрай сув иншоотларида 29 фойзага ёки йилга 10,6 миллион киловатт-соат, ёхуд 382,41 миллион сўмлик электр энергия тежаб қилинади. Шунингдек, «Сергели» (КНС-3) оқова сув насос станциясини тақомиллаштириш мақсадида амалдаги насос швед фирмасида ишлаб чиқаришда 2 та «Флюгт» русумли замонавий насосларга алмаштирилгани йилга 174 миллион сўмлик 4,8 миллион киловатт-соат электр энергиясини тежаб имкониятини бериш баробарида оқова сувини зарарсизлантиришда катта аҳамиятга эга бўлади.

Ҳозирда 1-2-Бўзсув бош иншоотида 9 та автоматлаштирилган насосларни етказиб бериш учун тузилган 1,1 миллион евро миқдоридagi шартномага Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо вазирлигининг хулосаси олинган бўлиб, янги ускуналар ўрнатилгандан сўнг 3,3 миллион киловатт-соат электр энергиясини тежади. Шунингдек, ўтказилган тендер натижасига кўра «Андритц» ва «Вайтек» фирмаси билан «Қодирья» бош сув иншооти учун ускуналар етказиб беришга шартнома тузилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, албатта аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати ва самарадорлигини оширишда фойдаланилган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш катта аҳамиятга эгадир. Шу боис ҳам ўтган йилда аҳолига кўрсатилган уй-жой ва коммунал хизматлар учун тўловларни тўлиқ ундириш, дебитор қарзларни қаматиришга асосий эътибор



Истеъмолчилар ҳуқуқлари — ҚОНУН ХИМОЯСИДА ТАЛАБЛАР ҚОНДИРИЛМОҚДА

“ҲАР ҚАНДАЙ ЖАМИЯТ ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ БИЛАН БУС-БҮТҮНДИР”, ДЕГАН ЭДИ ҚАДИМГИ ДУНЁНИНГ ЙИРИК ҲУҚМДОРЛАРИДАН БИРИ ЮЛИЙ ЦЕЗАРЬ. БИНОБАРИН, ИСТИҚЛОЛНИНГ ИЛК КҮНЛАРИДАН БОШЛАБОҚ ҚОНУН УСТУВОРЛИГИГА, УНИНГ ЖАМИЯТНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАРИНИ ТЎҒРИ БАҲОЛАШГА АЛОҲИДА АҲАМИЯТ ҚАРАТИЛА БОШЛАНДИ.

ҚУЙИДАГИ ЛАВҲАЛАРДА “ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН ТАЛАБЛАРИ ДОИРАСИДАГИ ИШЛАРНИНГ АЙРИМЛАРИ БИЛАН ТАНИШАСИЗ:

Ҳамза тумани 2-даҳа, 11-уй, 94-хонадонда истиқомат қилувчи О.Ҳамидов «Гулираёно» ўқув марказига хориж тилларини ўрганиш учун 130.000 сўм маблағ тўлаган. Аммо, мазкур ўқув марказидаги ўқитиш жараёни истеъмолчи талабларини қондирмади. Ҳозирда тегишли ташкилот ходимларининг аралашуви билан О.Ҳамидовга тегишли маблағ ундириб берилган.

Юнусобод тумани, 6-мавзе, 10-уй, 43-хонадонда истиқомат қилувчи Х.Сиддиқов ўзи яшаб турган уйнинг томидан чакка ўтиши юзасидан шикоят аризаси билан муурожаат қилган. Ҳозирда ушбу ҳолат тўлиқ ўрганиб чиқилиб, Х.Сиддиқов яшаб турган уйнинг коммунал хизматларига масъул бўлган «Умид учқуни коммунал» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати билан ҳамкорликда юзага келган барча муаммолар бартараф этилган.

Яккасарой тумани, Комил Яшин кўчаси, 16-уй, 7-хонадонда яшовчи Б.Абдуллаев «Чилонзор» метро бекати ёнида жойлашган уяли телефонларни тузатиш устaxonасига «Nokia-60-30» русумидаги уяли телефон апаратини тузатиш учун топширади. Лекин сифатсиз таъмирланган телефон апарати ишламай қолди. Ҳозирда истеъмолчига етказилган 100.000 сўмлик моддий зарар ундирилган.

Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув 2-мавзе, 19-уй, 5-хонадонда истиқомат қилувчи Н.Айропедова Навоий ярмаркасидаги хусусий тадбиркор М.Ағзамовга тегишли «Ферретти» савдо дўконидан «Индезит» русумидаги музлатгични 535.000 сўмга харид қилган. Ҳозирда техник имкониятлари чекланган музлатгич янгиси билан алмаштирилган.

Чилонзор тумани 3-мавзе, 2-уй, 3-хонадонда яшовчи Р.Тойиров Навоий ярмаркасида жойлашган «LG» савдо дўконидан «SONI» русумидаги муслик марказни 7.800.000 сўмга харид қилган. Истеъмолчи томонидан мазкур муслик марказ ишлаб чиқаришда унинг бутунлай носозлиги аниқланди. Ҳозирда Р.Тойировга тегишли маблағ қайтариб берилган.

Яккасарой тумани Аския кўчаси 36-уй, 26-хонадонда истиқомат қилувчи Т.Ғойипов иситиш тармоғининг сифатсизлиги юзасидан ариза билан муурожаат қилган. Ҳозирда истеъмолчи яшаб турган уйнинг коммунал эҳтиёжларига масъул бўлган «Аъло лочин коммунал» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати билан ҳамкорликда юзага келган муаммо ҳал этилган.

Шаҳримизнинг Исо ат-Термизий кўчаси, 16-уйда яшовчи З.Расулова «Паркент» бозори худудида жойлашган 24-сонли савдо дўконидан 1 миллион 700 минг сўмлик «AKVA» ойна профил эшикларига буюртма берган. Лекин мазкур хизмат сифатсиз бажарилган. Мутаассадди ташкилот аралашуви билан истеъмолчи талаби қондирилиб, эшиклар таъмирлаб берилган.

Чилонзор тумани, 18-мавзе, 6-уй, 2-хонадонда истиқомат қилувчи С.Деденкова Навоий ярмаркасида жойлашган «Super Phane» савдо дўконидан «Аристон AV-102» русумидаги кир қовиш машинасини 673.400 минг сўмга харид қилади. Бироқ мазкур кир қовиш машинаси ўзининг сифат кафолатини оқлай олмагани учун унга кетган маблағ ундириб берилди.

С.Раҳимов тумани Қорасарой кўчасида яшовчи И.Буранов «Бешёғоч» майдонида жойлашган «Ямаха» савдо дўконидан «ПСРА-1000» русумидаги «Синтезатор» муслик ускунасини 1 миллион 269 минг сўмга харид қилган. Уни ишлаши билан боғлиқ тушунмовчиликлар юзага келган. Ҳозирда истеъмолчи тегишли маблағ ундириб берилган.

Ҳамза тумани, Лисунов кўчаси 1^а-даҳаси, 167-уй, 83-хонадонда истиқомат қилувчи Г.Аҳмедова «Файз коммунал» уй-жой мулкдорлари ширкати фаолияти юзасидан ариза билан муурожаат қилган. Ҳозирда истеъмолчининг томидан чакка ўтиши билан боғлиқ муаммо ҳал этилиб, 80.000 сўмлик маблағ қайта ҳисоб-китоб қилиб берилган.

Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш худудий бирлашмаси томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида Хидирали ПАНЖИЕВ тайёрлади.

Тўловлар

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН...

ҲАММАМИЗ КЎРИБ, БИЛИБ, СЕЗИБ ТУРИБМИЗ—БУ ЙИЛГИ ҚИШ ҲАР ҚАЧОНГИДАН ҲАМ СОВУҚ КЕЛДИ. ЧИЛЛАНИНГ СОВУҒИ КЕЧҚУРУНЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА. АЛБАТТА, МАНА ШУНДАЙ ПАЙТАДА ҲАР БИР ХОНАДОН ИССИҚ БЎЛИБ, ГАЗНИНГ МУНТАЗАМ ЁНИБ ТУРИШИНИ ҲАР КИМ ИСТАЙДИ.

Шубҳасиз, ҳақини вақтида тўлаб турганингиздан кейин хизматнинг ҳам шунга яраша бўлишини истайсиз. Бу жуда тўғри—истеъмолчи ўз ҳуқуқини билиши, талаб қилиши қувонarli. Лекин ҳуқуқингизни рўқча қилсангиз бурчингизни унутсангиз—буни албатта, оқлаб бўлмайди. Чунки кўрсатилган коммунал ва фойдаланиш хизматлари ҳақини тўла-масангиз, унинг сифати ҳам путур етказасиз, ривожланишига тўсқин бўласиз, носозликларни вақтида бартараф этиш ишлари ҳам ўлда-жўлда бўлади. Негаки уларнинг ҳаммасини кўнгилдагидек бажариш анчагина маблағ талаб қилади. Сиз эса тўловларни вақтида бажариб ушбу маблағга улуш қўшасиз.

Бугун эса ҳар доимгидек ана шу бурчини унутиб, қарздорликни ошираётганлар ҳақида тўхталиб ўтамиз ва улар унутишдан бўлса қарзларини эслатиб қўймоқчимиз. Зора, ушбу туртки қарздорларни озгина сергалантирса, лоқайдликларга чек қўйса, айни мўддао бўларди.

Мирзо Улуғбек тумани, Югнакий кўчаси, 19-уй, 53-хонадондан Н.Аҳмедова 815707 сўм, шу кўчадаги 23-уй, 84-хонадондан М.Маликов 622934 сўм, 26-уй, 34-хонадондан З.Алматов 422976

сўм, «Қорасув-6» даҳаси, 19-«уй», 119-хонадондан С.Ҳамроев 680650 сўм, даҳадаги 10-уй, 62-хонадондан А.Талиев 546407 сўм, 9-уй, 20-хонадондан М.Тагаев 473420 сўм, Учтепа тумани, 15-мавзе, 23^а-уй, 85-хонадондан Н.Муҳамедова 338596 сўм, 39^а-уй, 17-хонадондан Б.Қурбонов 267092 сўм, 4-уй, 20-хонадондан Л.Файзиёва 239450 сўм иссиқлик ва иссиқ сув тўловларини бажаришмаган. Бу ахир кўрсатилган хизмат ҳақи, ҳеч қандай бахонаю важ-корсонларга эса ўрин йўқ.

Сув билан тирикчимиз. Шу боис ҳам унга оби ҳаёт деб таъриф берилган. Лекин ана шу тириклик манбаи ҳисобланган сувдан беминнат фойдаланамиз пулини тўлашга келганда баъзиларимиз анчагина оқсаб қоламиз. Ана шундайлар сирасига совуқ сув тўловларини бажармаган Чилонзор тумани Катта Қаъни кўчаси, 248/1-уйдан М.Соипова (327760 сўм), Тоҳир кўчаси, 20-уйдан Н.Лутфуллаева (127800 сўм), 9-мавзе, 2^а-уй, 22-хонадондан, П.Пўлатов (218608сўм), 19-мавзе, 22-уй, 25-хонадондан Х.Халиярова (136150 сўм), Учтепа тумани, Шамаҳшарий кўчаси, 4-уйдан Ш.Каримов (222800 сўм), Саккокий кўчаси, 22-уйдан Х.

Пайзиев (208000 сўм), Шамсия кўчаси, 46-уйдан Р.Алимов (193720 сўм) ларни киритиш мумкин. Сувдан фойдаланаётганда, уни истеъмол қилаётганда қарзингизни ҳам эсга олсангиз бўларди, қадрли хонадон эгалари.

Шунингдек, ҳар доим таъкидлаганимиздек, газни ёқиб, пули чакаётганлар ҳам кўпчиликини ташкил этмоқда. Жумладан, Чилонзор тумани 2-йўлак Гулистон кўчаси, 51-уйдан Р.Усмонов 381200 сўм, 3-йўлак Гулистон кўчаси, 1-уйдан Алимов 294100 сўм, Шайхонтоҳур тумани Зарғар кўчаси, 5-уйдан Даминов 440300 сўм, Қизил Шарқ кўчаси, 80-уйдан Мусаева 403100 сўм, Миробод тумани Бехтєрова кўчаси, 109-уй, 70-хонадондан Т.Акадина 92730 сўм, Ивлиев кўчаси, 83-уйдан И. Хаймуратов 90950 сўм табиий газ тўловларидан қарздор бўлиб туриб пинагини бузмаяпти.

Юқоридаги қарздор истеъмолчилар озгина уялиб, лоқайдликка чек қўйиб, бурчларини бажарсалар, хизмат ходимлари олдидан ҳам, қўни-қўшнилар орасида ҳам юзлари ёруғ бўларди. Улар гапларимизни, албатта уқади деган ниътамиз.

(Ўз мухбиримиз)

Сўранг, жавоб берамиз

ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати аъзоларининг ҳар йили ўтказиладиган умумий йиғилишига қадар ширкатдаги ҳар бир уйнинг жой мулкдорлари йиғилишлари ўтказилиши керакми? Унда қандай қарорлар қабул қилинади?

Исроил Қодиров, Йўлдош Парпиев, хонадон эгалари.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонунининг 23- моддасида куйидагилар қайд этилган:

Ширкат аъзоларининг ҳар йилги умумий йиғилиши ўтказилганига қадар ширкатдаги ҳар бир уйнинг жой мулкдорлари йиғилишлари ўтказилиши шарт.

Ширкатдаги ҳар бир уйнинг жой мулкдорлари йиғилиши қуйидагиларни тасдиқлаш тўғрисида қарорлар қабул қилади:

— Умумий мол-мулкни, ширкатнинг ер участкасини ва мол-мулкни сақлаш ишлари режасининг бир қисми сифатида ҳар бир уйдаги умумий мол-мулкни сақлаш ишлари режасини;

— ширкатнинг даромадлар ва харажатлар сметасининг бир қисми сифатида ҳар бир уйдаги умумий мол-мулкни сақлаш билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар сметасини;

— умумий мол-мулкни сақлаш ишлари режаларининг ҳамда даромадлар ва харажатлар сметаларининг ижросига доир ҳисоботни.

Жой мулкдорларининг йиғилиши қилган қарор мазкур уйдаги барча жой мулкдорлари учун мажбурийдир.

Шу ўринда яна шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши йилга камида бир марта ширкат уставига белгиланган тартибда чакирилади. Умумий йиғилиш молия йили тугаганидан кейин олтиш кундан кечиктирилмай чакирилиши лозим.



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

Саъдий Шерозий
ХИКМАТЛАР

Сўзим тўғри бўлса дилм бўлса пок,
Ғийбатчи сўзидан кўнгилга не бок!

Ишим, сўзим тўғри бўлса не гамим,
Нима деса-десин ғийбатчи ганим.

Сен ўзинг салтанат тахтида ўтир,
Аммо дарвешона пок умр кечир.

Ким абад яшамок умидин қилур?
Абад яшагани қани ким билур?

Ким бойлик, сийму зар қолдириб кетди,
Ўлгач, ворислари тагида етди.

Ким йиғиб қолдиран олтин, бойлик, мол,
Кўз юмгач, тез кунда бўладир поймол.

Кимки кишиларга айлади эҳсон,
Ҳар нафас ёғилур раҳмат фаровон.

Яхши ном қолмаса улғудан, ишон,
Ўлгач йўқолур у беному нишон.

Фафлат пахтасидан бўшалса кулоқ,
Мурдадан ҳам ўғит тингларсан шу чок.

Яхши киши юрмас ёмонлик сари,
Яхши хулқи ўтмас яхшидан нари.

Яхшиликка етиб боролмас ёмон,
Кўпинча етолмас уйига чайн.

Бошқалар нафини ўйламас одам,
Оддий тошдан хордир, оддий тошдан кам.

Хато сўзладим, эй хуш одатли ёр,
Одамга темир, мис, тошинг нафи бор.

Ундагин одамга ўлим ва уят,
Тошча ҳам бўлмаса унда фазилат.

Йирткичдан яхшими ҳар бир киши ҳам,
Йирткичдан баттарроқ ёмон хулқ одам.

Йирткичдек одамга ташланмоқ иши,
Демак, ҳайвондан паст ундайин киши.

Қани хушсўз табиб не дер, кулоқ ос:
«Аччиқ дори қилур дардингдан халос!»

Элга хотиржамлик келтирган одам,
Ўлгач тупроқ ичра ётар хотиржам.

Бойлигинг сарф айла — сенки бутун,
Ихтиёри сендан кетар эрта кун.

Ғариб бечоралар дилини шод қил,
Бечора кунларинг эслаги, ёд қил.

Етим гар йиғласа, ким овулар, ким?
Агар у ранжиса қўлин тутар ким?

Шафқат бирла арит кўзин ёшини,
Чехрасин пок айла силаб бошини.

Бошидан кетмишдир гар соябони,
Сен айла парвариш, бўл нигоҳбони.

Кўлингдан келганча меҳнат қил, меҳнат,
Меҳнатдан ёғилур бошингга раҳмат.

Халққа яхшилик қил, эй бахтли одам,
Бир кун оғир кунга қолма ўзинг ҳам.

Йиқилганлар кўлин тутганлар охир,
Йиқилса ҳам бўлмас андуҳга асир.

Меҳнатқаш мискинга зулм этма зинҳор,
Балки бўлар бир кун ул ҳам ҳукмдор.

Шуқуҳу давлатинг бўлур мустаҳкам,
Оддий халққа зулм этмасанг ҳечам.


Калтафаҳм солар адоват дилга.

Кўп зўравон кўрдим бу кун бемажол,
Кўп заифга охир боқмиш бахт-иқбол.

Хукмингдагиларга айлама зулм,
Балки бир кун ўзинг бўлурсан мазлум.
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Чилонзор туманида жойлашган «OMAD Kommunal uchinchí» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати тугатилмоқда. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади. Тел: 448-17-50, 111-67-58.

Педиатрия илмий-текшириш институти жамоаси бош хисобчи ўринбосари М.М.Абдуллаевага турмуш ўртоғи **Убайдулла Абдуллаевич АБДУЛЛАЕВИНГ** вафот этганлиги муносабати билан қўқур ҳамдардлик билдиради.



Санъат

БАСТАКОР ИЖОДИ САРҲИСОБИ

ОДАМЛАР БОР, ОДДИЙ ВА КАМТАР ЯШАШАДИ. БИРОҚ УЛАРНИНГ НОМИНИ НАИНКИ ЎЗ ЮРТИДА, БАЛКИ ЧЕТ МАМЛАКАТЛАРДА ҲАМ ФАХР БИЛАН ТИЛГА ОЛАДИЛАР. БУНДАЙ ИНСОНЛАРНИ ҲАЛОЛ МЕҲНАТНИНГ ЗАҲМАТКАШЛАРИ ДЕЙИШАДИ.

Валерий Сапаровни ҳеч иккиланмай ана шундай заҳматқаш инсонлар сафига киритиш мумкин. Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига у ўзининг ёрқин, жозибали мусикали асарлари билан ёшлагидан кириб келди. Ва тез орада наинки республикамизда, балки хорижда ҳам ўз иккидори орқали танилди. Мухлислар орасида шўхрат қозонди. Мусиқий асарлари жаранги юртимиз саҳналарида эмас, чет мамлакатларда ҳам баралла янграй бошлади.

Айтиш керакки, Валерий Сапаров мусикачилар оила-сида таваллуд тоилган. Ўз устид янада кўпроқ ишлаш ва билим олиш мақсадида Тошкент Давлат консерватория-сига ўқишга киради. Институтни тугатиб аввалига мусика мактабида, сўнгра, Республика мусика коллежида, эстрада-цирк студиясида, Эстрада цирк коллежларида ёшларга мусика санъатидан сабоқ беради.

1990 йили у Францияда ўтказилган Халқаро мусика асарлари танловида асарлари билан қатнашиб, диплом

билан тақдирланади ва мухлислар қалбидан муносиб жой эгаллайди. Бастакор Республика кўйрақ театри учун ҳам «Кўёш менинг дўстим», «Пахтаой», «Қариндошлик қалби» каби спектакллarga мусика басталаган. Бунинг орасида яқка хонанда ва болалар хор жамоалари учун романс ва капелларга яратди. Унинг мусика асарлари тақдорланмас жиҳатлари билан, оҳанглари билан янада майинлиги ва жўшқинлиги билан ажралиб туради.

Валерий Сапаров яратган кўй-қўшиқлар Германия, Франция, Исроил, Арманистон, Туркменистон ва Россия мамлакатлари мусика саҳналарида мунтазам янграб туришининг ўзи ҳам бастакор учун катта шарафдир.

Яқинда Ўзбекистон Давлат консерваториясида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ва консерватория хамкорлигида бастакорлар олтимш йиллиги муносабати билан катта концерт дастури уюштирилди.

—Валерий Сапаров ижодининг қирралари жуда ранг-

баранг, мазмундор ва жозибалидир, — дейди Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев. —Бастакор ўзининг туркман, ўзбек ва Европа мусика оҳанглари ўзаро пайваста қилиб яратган симфоник, вокал-симфоник, фортепиано ва турли чолғу оркестрлари, айниқса эстрада хонандалари ва жамоалари учун басталаган кўй ва қўшиқлари билан кўп миллилати республикамиз мусика санъати ривожланишига муносиб хисса қўшиб келмоқда. Сергайрат композитор шу кунгача «Севинчли номлар», «Элегия» «Муҳаббат хотираси», «Ватаним кўйларини», «Биз дунё ёшларини», «Бола юраги» каби 100 дан ортиқ кўшиқлар яратди. Унинг ижод қилган мусиқий асарлари ўзига хос тақдорланмас жиҳатлари ва оҳангдорлиги билан дилларни ром этди. Валерий Сапаровга ижодий баркамоллик тиланган ҳолда у яратган кўй ва қўшиқлар умрибўқийлиги билан ажралиб қолишини юракдан тилаймиз ва хоҳлаймизки, бастакор бундан кейин ҳам мусика санъатимизнинг ривожланишига ва жаҳон саҳналарида янада доврўз қозонишида ўзининг ижодий хиссасини қўшаверсин...

Концерт дастурида дилга ёқар жозибали жаз мусикалари ва қўшиқлари янгради. Кечага бастакорнинг яқинлари, дўстлари, шогирдлари, бир гуруҳ санъат фидойилари ва заҳматқашлари таширф буюрдилар.

Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: концертдан лавҳалар
Алексей Попов олган суратлар.

Бегойимлар ўқисин

ЎЗИНГИЗНИ — ЎЗИНГИЗ АРДОҚЛАНГ

Турмуш ўртоғининг худда-беҳудага рашқ қилаверманг, гурунгишни топтаган бўласиз. Ойнага қаранг ва «Мен хаммадан гўзал, дилбар ва ақлиман»,—дея тақдорланг. Эрингиз билан ҳам гап талашаворманг, майли ўзини донорроқ ва ақлироқ деб ўйлайверсин. Ичингиздагини ҳеч қачон сиртингизга чиқарманг. Бир кун келиб дилингиз озор топиши мумкин. Ўзингизни ўзингиз ардоқланг ва севиңг, шундагина қадрингизга етишади.

ДАРДИНГИЗНИ ДОСТОН ҚИЛАВЕРМАНГ

Қалбингиздаги юрагингизни ўртар дардларингизни ҳадеб эрингизга айтаверманг. Ишонангизда бўлиб турадиган дилхираликларни ҳам уйингизга ташиманг. Барибир фойдаси йўқ. У кўнглингни кўтариши мумкин, лекин дардингизни олиб, ташвишингизни енгиллаша олмайди-ку.

ОНГИНГИЗНИ ИШГА СОЛИНГ

Ҳадеб рўзгор етишмовчиликларини айтиб нолийверманг. Бориға сабр қилин. Йўғини онгу-шуурингиз билан ундиринг. Токи ётиқдошингиз сизнинг дийдиёларингиздан беиз эмас, балки ақлингизга тан бериб бордан йўқни ундирсин.

САРИШТАЛИ БЕКАСИЗ

Эр тўполон қилиб бақириб-чақирганда, лабингизни маҳкам тишлаб олин, токи сизнинг ҳам оғзингиздан ноқўя сўз чиқиб кетмасин.

Ҳеч қачон бирон-бир қилган ишингизни уларга миннат қилманг, ахир сиз шундай ҳам оиланинг фариштали, саришта бекаси-сиз.

Кўзингизнинг ёшини ҳадеб кўрсатаверманг. Сизни жудаям ожиз ва заиф деб ўйлашмасин. Дилингиз йиғласада, чехрангиз кулиб тураверсин.

Гулчехра САТТОР қизи.

Кунлардан бир кун

АБДУЛЛА — ШЕР!

Афандимижоз шоир Азиз Абдуразаққо ҳазилқашлиги, қувноқ, ичкакузди латифалар, хангомалар тўқушга усталлиги билан ҳам маълум ва машҳурдир. Айниқса унинг устоз Саид Аҳмад ҳақида тўқиган латифаларини ёзувчилар, кулгисеварлар мириқиб тинглашади.

Бир кун Дўрмонда истикомат қилаётган Азиз ака зерикиб, гурунглашиш учун шоир Абдулла Шернинг қорбоғига айланиб боради. Шарпани эшитган, йўлак адоғида елкасига чопон ташлаган шоир кўринади. У билан кетма-кет кичкинагина лайча кучук ҳам тиминсиз ақиллаганча эргашиб келаверади.

Темир панжара олдида хол-аҳвол сўрашаркан, Азиз ака лайчага қараб, шундай сўз ўйини қилади.

— Қанчалик ақиллаган, сен барибир лайчасан, Абдулла эса — шер!

ОТ НЕГА СИГАРЕТ ЧЕКМАЙДИ?

Фарғона водийсида Ақром Қодирий деган ўз даврининг таникли бир журналисти ўтганди. Раҳматли кўп афандимижоз одам

эди. У Фафур Фулом, Аҳдам Ҳамдамлар билан улфат-ошно бўлган. Ақром ака анча кашанда эди. Сигаретни бир-бирига улаб, кетма-кет, бамисоли паровоз англиг тутатганини кўрган дўстлари унга ачиниб, оғохлантиришади:

— Сал камроқ чексанг бўлар-миди? Ахир сигаретда никотин деган заҳар бор, бир грамма отни ўлдирди.

— Шунқами? — дейди Ақром ака бамайлихотир оғиз-бурнидан тутун чиқариб.. — От неға сигарет чекмаслигини энди билдим.

ЧИДОЛМАДИ

Ақром ака газетада билан юрганида бош муҳаррир ишлар ақиб улфат эди.

Кунлардан бир кун «летучка» — мажлисда муҳаррир меҳнат интизоми ҳақида гапириб, ишга ичиб келадиган бир ходимнинг пўстагини қоқа бошлади.

Эшикка яқинроқ жойда ўтирган Ақром ака дўсти гапни чўзиб юборганидан гашланиб, энаси қотади. «Бўлди энди, қисқароқ қил» дея соатига ишора қилса ҳам муҳаррир пинагини бузмайди. Ақром ака ахирги чидолмай ўрнидан туриб кетади. Жаҳл билан бош муҳаррирнинг гапини бўлади:

— Хўвв, бас қил энди, буфет ёпилиб қолади!

ЮБИЛЯРБОП СОВҒА

Бундан кўп йиллар муқаддам Ёзувчилар уюшмаси раҳбарлари Азиз Абдуразаққонинг олтимш йиллигини нишонлаш тараддудиға тушади. Аммо Азиз ака камтарлик қилиб, юбилей тантаналарини ўтказишга розилик бермайди. Тақлиф этилган унвону муқофоларни ҳам рад этади. Ҳайрон бўлган мутасаддилар ахирги сўрашади:

— Хўш, айтинчи бўлмаса, сизга нима олиб берайлик?

— Ўзингларга яхши маълум, кўп йиллардан бўён сўққабошман, ёлғизлик жонимга теғди. Агар қўлинглардан келса, менга хотин олиб беринлар. Бўйдоқ юбилярга хотиндан ҳам зўр совға борми?

БИРИ БОҒДАН, БИРИ ТОҒДАН

Азиз ака таниқли рассом дўстининг устахонасига борса, у рафиқаси билан эндигина саёхатдан келиб турган экан.

— Қайқдан келяпсиз, Азиз ака? — деб сўрайди рассом.

— Боғдан келяпман, Дўрмондан. Сизларчи?

— Биз тоғдан келяпмиз, Хумсондан.

— Ана шу-да аҳвол, — дейди Азиз ака ҳазиломуз. — Мен боғдан келсам, бошқалар тоғдан келади.

Шодмон ОТАБЕК

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ томонидан 2008 йил 19 февраль кун соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Тошкент шаҳар Учтепа тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 24 августдаги 10-0610/11340-сонли ижро ҳужжатиға асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Уйғур кўчасида жойлашган «ЮАРО ОКА УКА» МЧЖ худудида сақланаётган, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АҚ265 бўлган, «КАМАЗ-53212» русумли автотранспорт воситаси қўйилади. **Бошланғич баҳоси-18 540 000 сўм.** Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санаси кўрсатилгани ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдориде зақалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минни банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, Ҳ/р.20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва зақалат пулларни қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Ҳўжаев кўч. 1-уй. Тел. 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

ХУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилаётган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, кўрсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир.

Коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал хўжалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли томонидан истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловиға кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки муассасаларида, тўловларни қабул қилиш кассаларида ва почта бўлималарида амалга оширилади. Фақат умумий сай-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда, барчамиз ҳамкорликда коммунал хизматлар фаолиятининг самарадорлиғига эришишимиз мумкин.

ХУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

«Махсустрас» ишлаб чиқариш бошқармаси қаттиқ маиший ва суёқ ҳолдаги чиқиндиларни аҳоли, ташкилот ва корхоналардан олиб чиқиб кетиш тарифи 2008 йил 1 февралдан ошганлиғи ва қуйидаги суммани ташкил қилишини маълум қилади:

- Қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш:**
 - 1 нафар одамдан — 325-00 сўм.
 - бюджет ташкилотларидан 1м3 учун — 8 276-00 сўм. ҚҚСсиз
 - хўжалик ҳисобидаги ташкилотлардан 1м3 учун — 13 301-00 сўм. ҚҚСсиз
- Суёқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш:**
 - бюджет ташкилотларидан 1 тоннасига — 3 192-00 сўм. ҚҚСсиз
 - хўжалик ҳисобидаги ташкилотлардан 1 тоннасига — 4 104-00 сўм. ҚҚСсиз
- Қаттиқ маиший чиқиндилар (супуринди):**
 - бюджет ташкилотларидан 1 соатига — 6 510-00 сўм. ҚҚСсиз
 - хўжалик ҳисобидаги ташкилотлардан 1 соатига — 8 370-00 сўм. ҚҚСсиз

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 07

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3960 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 3 4 5 6
Топширилган вақти: 12:37